

ISSN 0131 – 1832

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN'ATSHUNOSLIK

Шарқ Юлдузу



Sharq yulduzi

11 / 2016

МУНДАРИЖА

ДУРДОНА

Боборахим МАШРАБ. Икки олам нақди олдинда муяссардур сенинг.4

ПУБЛИЦИСТИКА

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД. Қадимий ўлжанинг янги эраси.8

НАСР

ОТАУЛИ. Қиссалардан хиссалар. (Бошланиши).21
Қамчибек КЕНЖА. Кўктой. Ҳикоя.55
Абдусайд КЎЧИМОВ. Бинафша. Ҳикоя.78

НАЗМ

Ойдин ҲОЖИЕВА. Сирлар кўнгили тубинда қолди.16
Қомил АВАЗ. Бир соҳир ифор бор субҳи хавода.47
Бахшудла РАЖАБ. Ҳақиқат қўрғони нурларга тўлар.51
Ойдин ТЕМИРОВА. Юрагим катида атиргул.72
Акмал ИКРОМ. Кўзнинг қорачиғида ой боқар.75

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Ҳайдар МУҲАММАД. Ҳаёт булоғинг бўлай.105

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Бахтинисо МАҲМУДОВА. Дилимга боғланиб қолдинг.119

ТАҲЛИЛ

Дилфуза ТОЖИБОЕВА. Шоирнинг икки хил дунёси.100

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Нилуфар ДИЛМУРОДОВА. Эстетик идеал ва бадиий ғоя.122
Хурсандбек ТЎЛИБОЕВ. Поэтик мушоҳадада рамзийлик.127

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Маъруф ЖАЛИЛ. Хотирамда айланади минг хаёл.133

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Муҳаммад ОЧИЛ. Шайтонга йўликкан бола.143

КЎНГИЛ МУЛКИ

Қозокбой ЙЎЛДОШ. Сувратланган руҳият манзараси.109

АДАБИЙ МЕРОС

Зилола ШУКУРОВА. “Қисас ур-Рағузий”даги шеърлар.137

МУТОЛАА

Шодиёр ДАВРОН. Четдаги кишининг мулоҳазалари.116

ТАЛҚИН

Оллоёр БЕГАЛИЕВ. “Тошқинлар қиради қалбимга маним”.163

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Фёдор ТЮТЧЕВ. Денгиз тинмас қалқиниб.168

ГУЛҚАЙЧИ

Аҳмад ОКНАЗАРОВ. Шошқалоклик касри.172

Адабий ҳаёт.175

Шарқ юлдузи

2016

11-сон

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри тахририят ижодий жамоаси томонидан назардан фарқланиши мумкин. Тахририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этилган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбекистон адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон кўчаси, 16-а уй.
Телефонлар:
227-00-81, 245-22-99, 245-27-87
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди
24.11.2016 йил.

Қоғоз бичими 70x108 мм
Оффсет босма усулида офсет
қоғозда босилди.
Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади 1150 нусха.
Буюртма № 822

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 05.02.2016 й.
0562-рақам
билан рўйхатга олинган.
Ғафур Ғулом номидаги НМДУ
босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Лабзак кўчаси, 86-уй.

Журнал ойда бир марта
чоп этилади.

Мусаххих:

Дилфуза Маҳмудова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Мадина Абдуллаева

Copyright © “Шарқ юлдузи”

АДАБИЙ МЕРОС

Зилола ШУКУРОВА

1984 йида туғилган. Тошкент давлат педагогика университетини татомлаган. "Раёузий ва фольклор" монографияси чоп этилган. Ёсунбути ка нахрларда катар илмий мақолалари эълон қилинган.



«КИСАС УР-РАБҒУЗИЙ»ДАГИ ШЕРЛАР

Носириддин Раёузийнинг "Кисас ур-Раёузий" асари XIII-XIV аср ва ундан кейинги даврларда китобхонларнинг сеvimли асарлари қаторидан ўрин олган ноҳир ёлгорликлардан биридир. Бунга сабаб кисасларда тасвирланган пайғамбарлар ва авлиёлар ҳақидаги қизиқарли воқеа ва ҳодисалар десак, асар ҳақида бир томонлама ва тор донрада хулоса чиқарган бўламиз. Зероки, "Кисас ур-Раёузий"ни шу кунгача машхур қилган бошқа бир жихати ҳам борки, усиз Раёузий шахси ва унинг бадиний яратмасига етарлича ва тўлиқ баҳо бериб бўлмайди. Яъни, ижодкор кисасларда тўзал либос вазифасини ўтаган лирик шерларни ўрганиб, тахлил қилмасдан ёзувчи ижоди, унинг поэтик маҳорати, тасаввур дунёси, истейдодини англаш мумкин эмас. Шунинг учун биз куйида кисаслар таркибига сингдирилган лирик шерларнинг ҳар бирини алоҳида тўр-қумларга бўлиб тахлил қилишга интилдик:

1. *Маоҳ газаллар;*
2. *Итк мавзусидаги газаллар;*
3. *Икитимоний-фалсафий, нанд-насихат руҳидаги шерлар;*
4. *Сайёра ва буржлар ҳақидаги газаллар;*
5. *Табиат тасвирига бағишланган газаллар;*
6. *Хотимат ул-қитоб.*

Муҳаммад (с.а.в) сифатига бағишланган шерлар. Маблумки, ўзбек мумтоз адабиётида деярли барча асарлар ҳамд ва наът билан бошланади. Раёузий ҳам шу услубнинг давомчиси сифатида Пайғамбаримиз (с.а.в) таърифига бағишлаб бир нечта ғазаллар келтирди.

*Дуну шарнам рўятини оши қилган Мустафо,
Курру элтам туғларин ерга чолаган Мустафо!*

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг эзгу амалларини васф этувчи ушбу

Раёузий, Н. Кисаси Раёузий. Тошкент, Ёзувчи, 1-к 1990, 10-б Бундан кейинги асардан олинган парчаларининг фақат саҳифаси кўрсатилди.



«Мустафо» радифли наът ғазал а-а, б-а, в-а тарзда қофияланган. Нуктадон шоир мазкур ғазални аруз вазнининг рамали мусаммани маҳзуф вазнида битган.

Наът ғазал XIV асрда ёзилган. Носириддин Рабғузий туркий адабиётда аруз вазнида қалам тебратган илк ижодкорлардан бири бўлса-да, унинг ғазаллари аруз вазнининг барча талабларига жавоб беради. Бирок мазкур ғазални кўздан кечирар эканмиз, унда баъзи камчиликлар борлигини пайкадик. Буни қуйидагилар орқали кўрсатмоқчимиз:

Аруз вазнининг бош талабларидан бири мисраларда хижолар миқдорининг тенг бўлишидир. «Мустафо» радифли ғазалда бу ҳолат кузатилмайди. Яъни, 2-, 8- мисраларда хижолар сони 14 та; 1-, 3-, 4-, 5-, 9-, 10-, 12- мисраларда хижолар сони 15 та; 6-, 7-, 11- мисраларда хижолар сони 16 тани ташкил қилади. Биз XV асрда кўчирилган қадимий нусхасига таянсақ-да, асар бизгача етиб келишида бир неча хаттотлар қўлидан ўтган. Ҳар бир хаттот матнни кўчириш жараёнида уни айнан кўчирмаган. Яъни, киссадаги баъзи лавҳаларга, шеърларга қўшимчалар киритган ёки тушириб қолдирган. Шунингдек, шоир яшаган давр ва ундан кейинги замонларда асарга бўлган муносабат туфайли лирик шеърларнинг шакл ва мазмуни ҳам ўзгарган бўлиши мумкин.

Рабғузий пайгамбарлар таърифини келтирар экан, уларнинг сифати, фаолияти, ўзига хос йўли ҳақида дастлаб шеърий тарзда қисқача изоҳ беради:

Ҳақ яратди тангсуқ Одамни тафиз ер кўркидин,

Ўзга сурат тўзди андоғ ажун ичра илкидин².

Одам (а.с) сифати тасвирланган 7 байтдан иборат шеър а-а, б-а, в-а, г-а тарзда қофияланган. Аруз вазнининг рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган. Мазкур ғазалда ҳам юкорида таъкидланган камчиликлар кўзга ташланади. Яъни ғазалнинг ҳар бир мисраси 15 хижодан иборат бўлиши керак. Бирок 3-мисрадаги хижолар сони 16 тани ташкил қилади. Мисралардаги бундай номуносивликни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

а) Шеър ҳозирги ўзбек адабий тилига табдил қилинаётганда мисралардаги хижолар сонига эътибор қилинмаган ёки нотўғри ўқилган. Чунки араб ёзуви қодаларига кўра қисқа унли ҳарф ёзувда акс этмайди. Уни ўқиш жараёнида ҳар бир китобхон сўзнинг мазмуни (баъзан гап мазмуни)га кўра унли ҳарфларни қўйиб ўқиши керак. Араб ёзувига кўра *тахтини* сўзи *تختنى* тарзда ёзилади. Буни китобхон *тахтини* деб ҳам, *тахтни* деб ҳам ўқиши мумкин. Шу сабабли битта унли товуш ортирилган.

а) Асарни нашр қилиш жараёнида хатолик кетган бўлиши мумкин. Бунинг натижасида хижолар сонига чалкашлик юзага келиб, шеър вазнини аниқлашда ҳам қийинчилик туғдиради. Назаримизда, мазкур ғазалнинг 3-мисраси “Тахтини кўтуруб фаришта ужоҳ ичра кивуруб” эмас, балки “Тахтни кўтуруб фаришта ужоҳ ичра кивуруб” тарзда ёзилса мантиқан тўғри бўларди.

Ёзувчи олимлар ҳақида фақат бир ўринда, Иброҳим (а.с) ҳақидаги киссада тўхталган. Унда шоир донишманд ва олимларнинг бошқа инсонлардан фарқини рамзий тимсоллар воситасида тасвирлайди.

Қамуг йиғналар тўн тикар киздирур,

Яна ўзи кўрсанг яланғоч қолур.

Чирогма улашў қуяр ўртанур,

Азинларга курсанг ёруқлук берур³.

² Ўша асар 1-к. 15-бет.

³ Ўша асар 1-к. 118-бет.

Бат деб номланган 4 мисрадан иборат лирик шеърда итнанинг бош мақсади кийим тикиб, инсонларни иссик ва совуқдан асраш бўлса-да, ўзининг доим яланғоч юришини ҳамда чирок ёниб ўзи адоий тамом қилса-да, бошқаларга ёрғулик бериш ҳаётининг мазмунни экани шеърда тамсил санъати ми-солида кўрсатилган. Фавкулотда жонқуяр, авлиё инсонларга нисбатан қўлланган ушбу тўзаг ўхшатиш воситасида хусни таъли санъатида, шунингдек, итнанинг бошқаларга кийим тикиб, ўзининг яланғоч қолиши тазод санъатида ҳам мувожа-ат қилинган.

Асарда Носириддин Тўқубота мадҳи киссанинг кириш кисмида беришган бўлиб, унда шoir хуққулдорни хар жихатдан муқаммал, имтиазвар, адолатпеша, халққа ғамхўр илғал шox сифатида тасвирлайди.

*Илҳоқ умга тўзун қилтир
Битга аруз ҳаётин чикта
Кўкдотин адозрак хитмаит.*

Шеър Носириддин Тўқубота бағишланган, 33 мисрадан иборат мадҳия. Унинг хар бир байти а-б-в, г-д-в, ж-д-в тарзда кофийланган. У аруз ваз-нининг ражази мураббояи солим вазнида яратилган. Бундан кўрнинг тўриб-дики, мазкур лирик шеър мусаллас шаклида битилган. Шунини айтиш керакки, Рабгузунга қадар яшган ҳеч бир шoir ижодида мусаллас жанри учрамайдиган. Шу жихатдан туркий *адабиётда биринчилардан бўлиб мусаллас шаклида аруз бади-и асар яратган шoir Рабгузундир.*

Мальумки, мумтоз адабиётда ишк мавзусига шoirлар кент дорада мувожаат қилишади. Рабгузун ҳам шу анъанага мувофиқ киссада бундай шеърларга бир неча ўринда қўл урган.

*Тенгму бўлур бошнга тилку ситса бир соғин,
Кўзларни кўрмас қоронғу ҳам тил анинг оғин.*

Тўрлик содда тилда, рамзий тисоиларсиз ғазал жанри талабалари асоси-да ёзилган. Рамал баҳрида ёзилгани сабаб уни рубоий жанрга қўша олмайд-миз. Тўрликда таноубо (Тенри, Мавло, Аллоҳ, қўллуқ, ёрлик), ширў шакар- (Куршаниб қўллуқ қурини..) санъатларини учратиш мумкин.

Инсоннинг инсонга бўлган севгиси тараннум этилган шеърлар ҳам киссада талайлигина. Дуёнвий севгини тараннум арузи туркум шеърлар Рабгузун ижодининг салмоқли ўрнини еталайди. Бу борада Юсуф (а.с) хақидаги кисса диккатта молиқдир.

*Бу кўнгулм мурода текниммак тилар,
Телм халқлар аро ўқунмак тилар,
Кўн, ой сажда қилгай аруз юзга ман,
Бу кўн отдин иниб юқунмак тилар.*

Тилар радифли мазкур тўрликда Юсуф (а.с)нинг тенгсиз тўзалити тасвир-ланган. Унда истиора (арик юз), ташхис (кўнгилта инсоннинг хислари сингли-ритан) санъатлари ишлатилган. Байт қазажи мусалласи аштар вазнида ёзилган. Шу ўринда айтиш жоизки, шеър лирик қахрамон Райён малик тилидан кел-тирилган. Унда Райён маликнинг Юсуфни илк маротаба кўрганда кўнгилида кеч-

* Уша асар 1-к. 60-бет.
* Уша асар 1-к. 114-бет.



ган ўй-фикр акс эттирилган. Бирок шеърнинг 3-мисрасидаги жузвий хатолик: биргина қилгай сўзидаги *г* ундошининг орттирилиши туфайли шеър маъносида кўпол ўзгариш юз берган. *Кун, ой сажда қилгай ариг юзга ман* мисраси кўздан кечирилса, унда мазмунан ғализлик бор. Унга кўра Райён Малик ўзини чиройда тенгсиз ҳисоблаб, ой ва куёшнинг сажда қилишини ўз тилидан келтирган. Ваҳоланки, тўртлик Раён Малик ҳақида эмас, аксинча Юсуф (а.с) тўғрисидадир. Буни тўртликдаги бошқа мисраларнинг мазмунидан ҳам кўриш мумкин.

Рабғузийнинг «Қисас ур-Рабғузий» асари, аввало, пайғамбарлар ҳақидаги асар бўлганлиги сабабли унда бош ғоя сифатида инсонни маънавий баркамолликка, етукликка ундовчи ҳикоят ва шеърлар ташкил қилади. Шу жумладан, қиссада ота-она ва фарзанд муносабати ҳам таърифланиб, унда шоир қаҳрамонларнинг тақдири мисолида панд-насихат беришни мақсад қилади.

*Эй кўнглум овунчаси ўғраб йироқга бормагил,
Ярликқа ёлғуз онангни бағрини ўртамагил⁶.*

Тўрт мисрали ушбу лирик яратма а-а-б-а тарзида қофияланган бўлиб, рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган. Ушбу тўртликда истиорадан (кўнглум овунчаси) фойдаланилиб, онанинг кўз қароси бўлмиш фарзандига нисбатан мурожати сифатида ишлатилади.

Ижодкорнинг бу асари, энг аввало, диний асар бўлганлиги учун қиссанинг ҳар бир лавҳасида панд-насихат мазмуни уфуриб туради. Бу туркумга кирувчи ғазалларда шоир турли мавзуларни қаламга олиб, нафснинг инсонга азалий душманлиги, умрнинг ўткинчилиги ва бевафолиги ҳақидаги фалсафий қарашларини шеърлари мазмунига сингдиради.

*Эрнинг балоси ики олам балоси қуртқа,
Қуртқа қариб ўлурса солгил этини қуртқа.
Ёт қуртқани эвингда кўрсанг бошини кесгил,
Кўйдур бошини ўтқа, совур қулини қортқа⁷.*

Тўрт байтдан иборат мазкур шеър бармоқ вазнида ёзилган, 7+7 шаклида туроқланган. Мисралардаги *қуртқа* сўзи турли маъно ифодалаб, биринчи мисрада *қари кампир* маъносида, иккинчи мисрада *бўри* маъносида, тўртинчи мисрада *кўк (осмон)* маъносида ишлатилган. Тажнис сўзларнинг ишлатилиши шеърнинг бадийлигини кучайтириб, салбий образнинг нопок ишларини бўрттириб, ёрқин тасвирларда акс эттирган. Шунингдек, шеърда тақрир, аллетирация, таносуб (муғул, сортға), иштикок (қуртқа, қарисун) каби бадий санъатлар учрайди.

Сайёра ва буржлар ҳақида шоирнинг қалам тебратиши унинг нужум илмидан ҳам бохабар олим эканлигини кўрсатади. Мазкур туркумга кирувчи шеър фақат битта бўлиб, у Юсуф (а.с.) қиссаси таркибидан ўрин олган

*Ўн икки укак етти акрон қислиқ,
Энг илки қўзи, уй, арандад, қучиқ⁸.*

8 мисрадан иборат мазкур шеърда усталик билан ташбех ва истиорадан фойдаланилган. Шеърда Яъқуб (а.с.)нинг 12 фарзанди 12 бурж (қўзи, уй, арандад, қучиқ, қурарслон, буғдой бош, улқар, чаён, ёй, ўғлок, кўнак, балиқ)га, Яқуб (а.с.) ва унинг 6 хотини 7 сайёра (сакандир, ўнгай, қуруд, яшиқ, сақит, орзу, ялчик)га ўхшатирилган.

⁶ Ўша асар 1-к. 78-бет.

⁷ Ўша асар. 1-к. 122-бет.

⁸ Ўша асар 1-к. 101-бет.

Рабузый шеърлери орасида шундай лирик яратмалар борки, у ижодкор аса-
бининт шох байтларидир. Унда шоир тасвир яратишда дунёга шопрона нитох
билан бокиб, инсон кунлиги бевосита тасвир кишиб, бир зум булса-да, унга
бахорий кайфият, ёшлик айёмини бахш этади. Буни биргина қиссадаги бахорит

Кун хамалга кирди ерса келиб одам наарузи,
Кечди бахман замхандур қит қолмади қорн бузи,
Кун келу минг кюрки ортиб тундур улмит жахон,
Тонг бадиэдад нақит бирда безандур бу ер юзи.

Ҳазил фасиллар келинчати гузал бахор васфига бағишланган. Хақиқатда
хам, бахор нафакат борлик-табиатта, балки инсонларга ҳам ўзининт бетубор
хисларини улашди. Бахорда қимирлаган жонзот борки, яшашта, яшарипта
ошиқлади. Бахор фасли инсонларнинг ҳам ташки қиёфаси, ҳам ички руҳиясига
булган ёш-қарилар ҳам тетиклашиб, ёшарипта томон ошиқлади. Хаттоки, қуриб
колган ёғоч-бутуқ ҳам бу фаслда чирой очиб гуллашта, ҳаммани ўзига қаратишта
харакат қилди. Кунчилик шоир ва ёзувчилар айнан шу фаслдан итхомланиб,
бир-бирдан гузал асарлар яратишди. Рабузый ҳам ана шундай бахор фаслидан
ишхомланиб, ўзининг ички бахорий хисларини зуллисонанглик анъанасига қўра
ёзилган ун уч байтги Ҳазил мисолида акс эттирган. Шоирнинг тасвирлашча,
хамал (март ойи) қирпиши билан бахман (21 янв - 21 фев) орта чекинади ва шун-
дан бошлаб янги кун бошланади. Бахор келишини барча мавжудот интизорлик
билан кутгани каби унга атаб қушлар тинмай қасидалар битишди, қўи-қўзилар
шодон сакрайди. Шоир табииатнинг энг гузал лавҳаларини илғай олгани боис
уларни ҳаётини гузал тасвирлар орқали содда ва халқчил руҳда қўз ўнгимизда таъ-
далантиради. Шу боис, Ҳазил таркибида бадиний тасвирий воситалар талайгина.
Жумладан, хусни таълил, ташхис, тапбёҳ, тазод, талмиҳ каби бадиний санъатлар
учрайди. Мазкур лирик асар а-а, б-а, в-а, г-а... тарзда қофияланган. Мисраларда
наарузи, бузи, юзи, ёзи, тўзи, қўзи, чўзи, қундузи, қундузи, юлдузи, Рабузый каби
ёзулар қофиялош сўз вазифасини бажарган.

Қисса сўнгида "Хотимату қисасир-Рабузый" деб номланган шеър берилган.
Ҳазил жами 15 байт 30 мисрадан иборат бўлиб, рамағи мусамманни махзүф вазни-
да ёзилган. Шеърда шoirнинг асарни бир йилда ёзиб тутатганиги ва унни чирой-
ли сўзлар "Рум, Хитой, атлас, чўзи" билан безатганини, асарни "Мохири эран" Но-
сирдин Тўқоғата бағишлаганини айтди. Шунинингдек, Ҳазилда қисса бошдан
оёқ байтамбарлар таърифига бағишланганиги, унда биринчи Байтамбар Одам
Атодан сўнги Байтамбар Муҳаммад (с.а.в) гача бўлган давр ёритилганиги қайд
қилинган. Шеърда келтирилишча, қисса 710 йил хут ойида тутатилган.
Хулоса қисиб айтганда, Носирдин Рабузыйнинг "Қиссае ур-Рабузый" аса-

Ут бундун бу китобун, эй эрдандар ер бузи,
Бир тил ччра кечти анинг ёти қит ёзу қузи¹⁰.

⁹ Уша асар 1-к, 103 бет.
¹⁰ Уша асар 2-к, 216-бет.

ри пайғамбарлар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ хикоят ва ривоятлардан ташкил топган асар бўлиш билан бирга турли лирик шеърларни ўз ичига камраб олган нодир манбаа ҳамдир. Қиссадаги лирик шеърларни кузатар эканмиз, унда Рабғузийнинг ҳаётда содир бўлувчи турли ҳодисотларни шоирлик нигоҳи ила пайкай олишини кўриб ижодкор шахсига, маҳоратига, савияси, дунёкараши, эстетик дидининг қай даражада нозиклигига яна бир қарра тан берамиз. Айниқса, у туркий адабиётда мусаллас ва ғазал жанрининг илк намуналарини яратган шоир сифатида кадрлидир.

РЕЗЮМЕ

Мақолада «Қиссае ур-Рабғузий» асарида учрайдиган лирик шеърлар жанри ва тематикасига кўра таснифланган. Шунингдек, шеърларда ишлатилган бадиий санъатлар таҳлил этилган.

В статье рассмотрены художественные приемы, примененные в лирических стихах, включенных в «Қиссае ур-Рабғузий», в процессе анализа которых автор классифицировал их по жанрам и тематике.

The article deals with artistic techniques applied in the lyrical poems included in "Qisas ur Rabguzi" in the analysis which the author classified them by genre and theme.

ҲУКМАТ

Ўлм билан давлат ҳеч ҳам келиша
олмайдиги, кимга-ким илмни бойиш ман-
баи қилиб олса, у узокқа бормайдиги,
ярим йўлда ҳалок бўладиги.

Абу Райхон БЕРУНИЙ